

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 371-ҳадис

371 – عَنْ ابْنِ عُمَرَ، وَابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَهَى عَنِ الدُّبَاءِ وَالْحَنْثِمِ
وَالْمُرْقَتِ وَالنَّقِيرِ.

[خ 53، م 1997، ت 1868، س 5031، د 3690، جه 3395].

Саъид ибн Жубайрдан ривоят қилинади:

«Гувоҳлик бераманки, Ибн Умар билан Ибн Аббос розияллоҳу анҳумолар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуббо, ҳантам, музаффат ва нақийрдан қайтарганларига гувоҳлик беришган».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: Дуббо – қуритиб, ичи ўйилган қовоқ.

Ҳантам – лой, жун ва қон аралашмасидан ясаладиган хум.

Нақир – қуритиб, ичини ўйиб, идиш ясалган хурмо тўнкаси.

Муқайяр – қийрланган идиш. Қийр ўсимлик бўлиб, уни қуритиб, куйдириб ҳосил қилинган модда билан бўялган идишлар мустаҳкам бўлган. Бу «музаффат» ҳам дейилади.

Ушбу ҳадисда мазкур идишларда набиз тайёрлаш ва ичиш ман қилинмоқда, чунки уларда тайёрланган набиз тез ачиб қолиб, хамрга айланиб қолади.

«Набиз» деб хурмо, майиз каби қуруқ меваларни сувга ивитиб, хамрга айланмай туриб истеъмол қилинадиган ивитмага айтилади. Агар унинг вақти ўтиб кетса, хамрга – маст қилувчи ичимликка айланиб қолади ва уни ичиш ҳаром бўлади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI